**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

***70712501- Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш-ташиш ва йўл қурилиш машиналари)***
**магистратура мутахассислигининг малака талаблари**

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйрук № 365
«25» 08 2021 йил

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат транспорт университети.

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари "Олий таълим Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар", "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори", Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | *70712501- Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш -ташиш ва йўл қурилиш машиналари)* магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи ........................... | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................... | 4 |
| 1.1.1. | *70712501- Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш-ташиш ва йўл қурилиш машиналари)* магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши........................... | 4 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари........................... | 4 |
| 1.2. | *70712501- Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш -ташиш ва йўл қурилиш машиналари)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи ........................... | 4 |
| 1.2.1. | *70712501- Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш-ташиш ва йўл қурилиш машиналари)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари........................... | 4 |
| 1.2.2. | *70712501- Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш -ташиш ва йўл қурилиш машиналари)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари........................... | 5 |
| 1.2.3. | *70712501- Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш -ташиш ва йўл қурилиш машиналари)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари........................... | 5 |
| 1.2.4. | *70712501- Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш -ташиш ва йўл қурилиш машиналари)*мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари........................... | 5 |
| 2. | *70712501- Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш -ташиш ва йўл қурилиш машиналари)* таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар........................... | 7 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар........................... | 7 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар........................... | 7 |
| | Библиографик маълумотлар........................... | 8 |
| | Келишув варағи........................... | 9 |

## 1. *70712501- Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш - ташиш ва йўл қурилиш машиналари )* магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

***70712501- Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш -ташиш ва йўл қурилиш машиналари)*** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. *70712501- Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш - ташиш ва йўл қурилиш машиналари)* магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби ***70712501- Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш -ташиш ва йўл қурилиш машиналари)*** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун мажбурий талаблар мажмуасини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

– мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида бирувчиларнинг тайёргарлик даражасида жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим муассасаларига ўқишга кираётган бакалавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. *70712501- Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш -ташиш ва йўл қурилиш машиналари)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. *70712501- Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш - ташиш ва йўл қурилиш машиналари)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.**

***70712501- Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш -ташиш ва йўл қурилиш машиналари)*** – Муҳандислик иши таълим соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, марказлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий-тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида йўл қурилиш машиналарини ишлатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш, диагностикалаш ва таъмирлаш ҳамда ер қазиш ва йўл қурилиш ишларини бажаришда комплекс механизация масалаларни ҳал этиш, шунингдек йўл қурилиш машиналарининг ривожланиш,

истиқболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2.** ***70712501- Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш - ташиш ва йўл қурилиш машиналари)*** **мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

– Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;

– йўл қурилиш машиналари ишини ташкил этиш ва бошқариш;

– йўл қурилиш машиналари ҳамда уларнинг агрегат, механизмларидаги ишчи жараёнларни ўзлаштириш ва тадқиқот қилиш;

– лойиҳалаш жараёнларини таҳлил қилиш, синтезлаш ва оптималлаштириш, маҳсулот сифатини таъминлаш ва сертификация (шу жумлада халқаро) методларини қўллаш;

– йўл қурилиш машиналари ҳамда уларнинг агрегат, механизмларида кечадиган ишчи жараёнлари бўйича математик моделларини қўллаш;

– йўл қурилиш машиналарида муҳандислик ҳисоблари, алгоритмлари ва математик таъминотини ишлаб чиқиш;

– компьютер технологиялари ва дастурланишини ишлаб чиқиш;

– йўл қурилиш машиналарига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш стратегиясини белгилаш ва қўллаш;

– техник эксплуатация тамойилларини тузиш;

– тизимли ёндошув механизмларини тадбиқ этиш;

– илмий-тадқиқот жараёни;

– ташкилий-бошқарув объектлари;

- ўқув жараёни.

**1.2.3.** ***70712501- Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш - ташиш ва йўл қурилиш машиналари)*** **мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

– илмий-тадқиқот фаолияти;

– ишлаб чиқариш– технологик фаолияти;

– ташкилий-бошқарув фаолияти;

– педагогик фаолият;

– консалтинг хизмати.

**1.2.4.** ***70712501- Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш - ташиш ва йўл қурилиш машиналари)*** **мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

*70712501- Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш -ташиш ва йўл қурилиш машиналари)* мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:**

– илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;

– илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

– илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

– мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

– олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

– ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

– электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

– педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

**Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

– ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

– ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлаш усулларидан фойдаланиш ва мониторингини олиб бориш;

– фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш;

– иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш;

– амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

– замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-мухит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш;

– лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқишни таъминлаш, бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

**Консалтинг хизмати фаолиятида:**

- йўл қурилиш машиналари ишлатилиш соҳаларида мавжуд ҳолатнинг аналитик обзорини ишлаб чиқишда мавжуд ҳолатнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиши;
- ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (йўл қурилиш машиналари) магистр мутахассислигига мос мавзуларга оид лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиши;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиши лозим.

## 2. *70712501- Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (кўтариш - ташиш ва йўл қурилиш машиналари)* **таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**2.1. Умумий компетенциялар:**

– илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

– хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

– ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

– ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

– интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши.

**2.2. Касбий компетенциялар**:

– илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

– педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

– таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

– илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

– давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

– ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;

– ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;

– йўл қурилиш машиналари соҳа корхоналарида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда соҳа тамойилларини қўллай билиши;

– бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;

– лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, соҳа бўйича статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиш;

– йўл қурилиш машиналари бўйича техник хавфсизликни таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;

– соҳа бўйича стратегик режаларни ишлаб чиқиш, илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар, ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;

– лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

– техник хавфсизликка таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малакасига эга бўлиш;

– меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни эспертизадан ўтказишни билиш.

## Библиографик маълумотлар


УДК: 002:651.1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01


**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, магистратуранинг асосий таълим дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, фан, техника, методология, тадқиқот, автоматлаштириш, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, замонавий ўлчов асбоблари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал лаборатория, интеллект, объект, муҳофазалаш, халқаро кооперация, ихтиро, патентга лаёқатлилик, илмий кашфиётлар, дастурлар, маълумотлар базалари, маҳсулотлар, ноанъанавий объектлар, саноат намуналари, товар белгилари, патент, жаҳон, тизимлар, хорижий патентлаш, лицензиялаш, лицензия, намуна, техник объектлар, патент тозалиги, сертификатлаштириш, аккредитлаш, схема, синов, табиат, умумбашарият, индивид, узвийлик, шахс, индивидуаллик, ижтимоий омиллар, ижтимоий илдизлар, инсон, фан тизими, педагогика, педагогик тадқиқот, базавий маданият, яхлит бутунлик, тамойиллар, ўқитиш, ўқув-тарбиявий жамоа, тарбия, педагогик жараён, йўл қурилиш машиналари, эксплуатацион хусусиятлари, йўл қурилиш машиналарининг иш қобилияти кўрсаткичлари, оптималлаштириш, ишончлилик, техник хизмат кўрсатиш ва тамирлаш тизими, йўл қурилиш машиналарини синаш, лаборатория ва дала синовлари, тежамкорлик, меъёрлаш, синов натижалари, экспериментни режалаштириш, факторли экспериментлар, экстремал эксперимент, эксперимент натижаларига ишлов бериш, башорат қилиш, стационар тасодифий жараёнлар назарияси, статистик синовлар методи, техник эксплуатация тизими, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, жорий таъмирлаш, маҳсулот ва хизматлар, сифат тушунчаси, хизматни сертификатлаш, чекланиш шартлари, оптималлаштириш мезонлари, ахборот йиғиш усуллари.

**КЕЛИШУВ ВАРАҒИ**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:**

**Тошкент давлат транспорт университети**

**Ректор____________О.Абдурахманов**

202_ йил «____» _________
М.Ў.

**КЕЛИШИЛДИ:**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Транспорт вазирлиги**

**Вазир ўринбосари __________А.Муминов**

202__ йил «_____» _________
М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази**

**Директор в.б._______________ М.Эсонов**

202__ йил «_____» _________
М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Автомобиль йўллари қўмитаси**

**Раис ўринбосари,**
**бош муҳандис ______________ О.Адилов**

202__ йил «_____» ___________

М.Ў.

**И.Каримов номидаги**
**Тошкент давлат техника университети**

**Ректор________________ С.Турабджанов**

202__ йил «_____» __________

М.Ў.